
ТАШРИФДАН ТАШРИФГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 4-5 феврал кунлари Фарғона вилоятига ташрифлари давомида тасдиқланган 7-сонли мажлис баёнининг (11.02.2021й. № 02-РА 1-2736) 1-12-иловаларига мувофиқ манзилли рўйхати тасдиқланган. Мазкур йиғилиш баёнининг 12-иловасига мувофиқ Риштон туманида қиймати 114,9 млрд.сўм бўлган 49 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 529 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Жорий йилнинг 8-июнь ҳолатига қиймати 15,2 млрд.сўм бўлган 10 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиш белгиланган бўлса бугунги кунга қадар қиймати 34,5 млрд.сўм (шундан 26,8 млрд.сўм тадбиркорлар маблағлари, 7,6 млрд.сўм банк кредит маблағлари) ҳисобидан 26 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши ҳисобига 177 нафар янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

* * *Президентимизнинг кейинги ташрифларига ҳамда 2022-2023 йилларда амалга ошириладиган лойиҳаларининг манзилли рўйхатини шакиллантириш мақсадида туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлим ходимлари бугун ҳудудларни ўрганишиб, кўплаб лойиҳа ташаббускорлари билан учрашув олиб боришди. Жумладан: "ROSHIDON DAVRONI" фермер хўжалиги раҳбари Матмисаев Достонжон Холматович томонидан лойиҳа қиймати 7-млрд.сўм бўлган "Буғдойни қайта ишлаш"ни ташкил этиш лойиҳаси ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан 50 нафар янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Туман ҳокими ўринбосари А.Жўрабоев ҳамда лойиҳа ташаббускори Матмисаев Достонжон ушбу лойиҳани амалга ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашилиб таклифлар билдирилди.

2021-06-10 07:21:08